

ПАРДАБОЙ ТОЖИБОЕВ



**БОЙЧЕЧАКЛАР
ОЧИЛАДИ
ҚОР КЕТИБ**

«Tafakkur qanoti»
Тошкент - 2019

УЎК: 821.1
КБК 84(Ў5)
Т-92

Т-92 Пардабой Тожибоев
Бойчечаклар очилади қор кетиб / П. Тожибоев. –
Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2019. – 160 б.

Ушбу қўлингиздаги китобни «Бойчечаклар очилади қор кетиб» деб номладик, зеро кўкламни илк бор қаршилайдиган бойчечак ўзига ошиқ қалбларда қандай ҳислар тугдирар экан?!

У изғиринларни бошдан кечириб қорлар остидан мўралаб энди Она заминда катта шодиёналар бошланажагидан хушхабар бераётгандек гўё...

Бу чечакнинг камалак рангидан баҳраманд бўлган тоғлар, чўққилар нурлангандай, уни зиёрат қилганларнинг қалбида ҳам мана шундай юксаклик, яшилик, гўзаллик, меҳр-вафо, самимийлик каби туйғулари илдиз отса қанийди...

Муаллиф ҳам шундай бокира ҳисларни кучайтиришга ўз қаҳрамонлари орқали ундаётгандай...

Таҳририятдан

ISBN 978-9943-614-44-4

©П. Тожибоев, 2019 й.
© «Tafakkur qanoti», 2019 й.

АХИР НЕГА ЧАПАК ЧАЛМАЯПСИЗ

Театрдаги бир спектакль намоиши олдидан конференсьенинг сахнадан туриб тамошабинларга айтган сўзлари энсани қотирди: “Илтимос, – деди у, – радиотелефонларингизни ўчириб қўйинг, писта чақманг, ёнингиздаги одам билан суҳбатлашманг, артистларнинг туйғуларини жўштириш учун қарсақ чалинг, томоша тугагач, артистларни олқишлаш учун қайта-қайта таклиф этинг..

Бу қандай ҳол ахир: театрга не-не умидлар билан келганлар томоша кутарди, лекин сахна талабига хилоф равишдаги сўзлар кўнгилларни музлатиб қўйдику... Яйраб-яшнаб ҳордиқ чиқараман десангиз, осмондан тушгандай бу таънаи-дашном! Спектакль давомида томошабинга буйруқ бериш билан иш битмаслигини “ижодий жамоа” билди: роль ижрочиларига захарханда қилиб, гап отиб ўтиришди, залдагилар... Афтидан учрашувини шу ерда ташкил қилган севишганлар, бир-бирининг қўлидан ушлаб, қилиқлар қилиб, ҳи-ҳилашди, оёқ ости писта пўчоқларига тўлди, яшириб олиб келган елим идишдаги сархуш қилувчи ичимликни охиригача бўшатганлар бўлди, томошабинлар залда тартиб ўрнатадиган аёлга, биз пулини тўлаганмиз, бу ерга мажбур қилиб, чипта сотиб олиб келишган, деб писанда ҳам қилишди... Спектакль тугагач, ўтирганлар талотўп қилиб, ўзини эшикка урдилар, оломоннинг тартибга амал қилмаганидан, эшикнинг ошиқ-мошиқлар шақирлаб кетди...

– Агарда мен мана шу сахнада ўйнаган одамларни ҳаётда кўрганимда мутлоқо гаплашмасдим, – деди театр эшигидан чиққан томошабин, – мавзуни қа-

ранг, барбод бўлган оиламиш, бева ўзига томошабиннинг олдида туриб эр излайди... Газетадаги эълонни ўқиб, хотини йўқ бўйдоқлар келаверади, келаверади. Беваям уларнинг қайси бирига розилик беришини билмайди... Ахир, бу интим нарсалар хуфёна бўлардику, наҳотки, шунчалар юзимиздаги чимматни очиб ташласак... Ёзувчи айтган экан, биз юзингиздаги ҳаё пардасини олганимиз йўқ, деб... Ҳадеб ойнаи жаҳонда туриб санъаткорларга уқтирамыз, замон қаҳрамонларини яратинг деймиз, мана сизга замон қаҳрамони. Уларга чапак чалсак, Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамони циркда ўтирган раисга ўхшаб қолмаймизми... Сиз бўлса ўчакишгандай ҳадеб қарсақ чаласиз, мени ҳам мажбур қилиб, спектакль пайтида сонимни ғижимлайсиз, ҳо-ҳолаб куласиз. Нимаси кулгули, бу ер дарсхона... Кулгингиз келса, афти-башарангизни бузиб кўрсатадиган қийшиқ ойна хонасига боринг...

– Бир қитиқ патингизга тегай девдим-да, ниятга етибман. Ахир уларни ҳам тушуниш керак, томошабиннинг бугунги дидига мослаб ўйнапти-да... Томошабинга шу керак, улар театрга кўпинча ўзларини кўрсатгани, устидаги ялтир-юлтирини намойиш қилгани келадилар... Бу ердан чиққач, билмайман улар қандай ҳислар оғушида қоладилар, қайси томонга йўл оладилар... Одатда спектаклдан кейин ҳиссиётга тўлиб-тошган томошабин чуқур ўйларга ботиши керак, у машинага чиқолмайди, яёв кетади... Ҳаётдаги дадил гапларни олиб чиққан қаҳрамонни тушуниш учун, дид-фаросат етишмайди-да, Аҳмаджон...

– Илтимоҳ қиламан, томошабинни айбланганг, – деди Худойберди. Бу ердан аслида ҳар ким қидирганини топади... Театрга одам йиғлагани, кулгани, ҳасрат қилгани келади. Томоша бошланиши олдидан

конференсье ҳалигидай дий-диё қилиб ўтирса! Балиқ оқимга қарши сузади... Театр рамзлар билан, имо-ишоралар билан, одамларга ўзини кўрсатиш билан иш кўради. Мана ўзингиз кўп йиллар фермерлик қилдингиз, сизнинг тақдирингизни кўрсатиб берса бўлмасмиди... Биламан, меҳнат қилиб, косангиз оқармади! Йилнинг бошида шартномадан ортиғи ўзингизни дерди, лекин туманнинг режаси бажарилмай қолса, зўравонлик қилиб тортиб оларди. Фермер бечора қаерга мурожаат қилишини билолмай қоларди, воз кечарди, ҳаммасидан. Саҳнадаги бева билан сизнинг ўртангизда кўринмас ип бор мен сизга, айтсам... У ҳам алданди, эри йўқлигидан фарёд қилаётгани йўқ, яланғоч туйғуларни кўриб, ўрганиб қолгансизда! Саҳнадаги ҳар битта нарса гапириши керак, тушунмасангиз воқеаларга бефарқ ўтираверасиз... Шуларни саҳнага олиб чиққан драматургнинг ғоясини наҳот тушунмасангиз. Қаранг, бу ерда, қанча драматизм, ҳатто фожеа ҳам бор эди. Шуларни очиқ-ойдин ёзган драматургнинг косаси оқарармиди... Саҳнага қўйишга рухсат берармиди... Кейин мана шунақа бевалар саҳна қаҳрамонига айланиб қолади. Тўғри, мен кулдим, менга спектакль шундай бўлиб кўринди...

– Пашшадан фил ясаманг!

– Ясаган-ясамаганида, театр ҳаёт ойнаси.

Аҳмаджон шаҳарга театр кўриш учун келган дўстининг чалган чапагига, во-ҳа-ҳалаб кулганига энди тушунгандай бўлди. Мушук бекорга офтобга чиқмайди, театрда ҳам иқтисод, касса деган нарсалар бор. Классик асарларни саҳналаштирсангу, ҳеч ким кирмай туриб олса? Замон муаммоларини кўтарган асар касса режасини бажаролмаса... Кейин драматурглар ёзади, артистлар саҳнага ҳаётдаги мана шундай ўзи-

га эр излаган беваларни олиб чиқади-да... Театр директори мен артистларга пул беришим керак, дейди. Режиссёр ишидан бўшаб қолишдан кўрқади. Томошабин топилмаса мактаб ўқувчиларини мажбур қилишади, корхона ишчиларига ёпишишади, кўчаларда юриб билет сотишади, қандай бўлмасин саҳнани тўлдириш зарур... Ўзларини ҳам раҳбарлар театрга тушиб келинглар, деб шаҳарга жўнатишдику...

Мияси ғовлаб кетган Худойберди дўстига бир пиёла чой ичайлик, деб уни “Яшил гумбазлар” чойхонасига таклиф қилди. Яёв кетишди... улар, ҳаёт ана-мана деганча ўтиб кетар экан, бир пайтлар, ҳозиргина жўрасини мулзам қилган Аҳмаджон шаҳарда адабиётга қизиққани учун университетда, филология факультетида ўқиганди. Ўшанда уларни ҳам мажбурий пахта теримига олиб чиқишарди, кечалари гулхан атрофида бўлган саҳна бошқача эди, оддий, ҳаяжонли эди, Аҳмаджон Шекспир асарларидаги қаҳрамонларнинг монологини айтиб берарди... Ўқишни битирдиям, дарс бердиям косаси оқармади. Ҳозирги саҳнада роль ижро этган артистдай муҳаббатини йўқотиб қўйди, излаганини топмади... Ўқиш бошқа, ҳаёт бошқа экан. Бошида ҳаммаси рисоладагидай кетаётганди. Обрўли журналда адабиёт бўлимини бошқарарди... Мухаррир бадий ижодда ўзидан бир баҳя баланд Аҳмаджонга ҳадеб тармашар, лекин кет деб айтолмас, бирор камчилик бўлса унинг зиммасига юкларди. Саҳифаларда ҳаётдаги енгил табиат қаҳрамонлар жой олаётганини айтиб кўз очирмасди... Айниқса, мухолифи Қўшматов унинг қадамини ўлчарди, фитнесчилиги, унинг тўқиган уйдирмалари... Сопини ўзини чиқариб, уюштиришга суяги йўқ эди... Кўза кунларнинг бирида синди... Бир куни қабулига кирган, “ҳикоя” олиб келган аёл унинг журналдан кетишига сабабчи бўлди.

– Сизни адолатли ёзувчи дейишди, нажот излаб келувдим...

– Ҳўш, – деди бунақа киянкиларни кўп кўрган бўлим мудури, – қулоғим сизда.

– Эримни ўйнаши билан тутиб олдим. Йўл кўрсатинг...

– Яқинда телевизорда худди шу саволга жавоб берилди. Боринг, телевидениега боринг, йўл кўрсатишади! Бу ер сизга яраштирув комиссияси эмас...

Аҳмаджон бу маш-машани Қўшматов уюштираётганини билгани учун ана шундай кўрс жавоб берди. Ўргатилган “тўти” эса паст келмади:

– Ҳали шуми, биз сизни адолат қиладиган ёзувчи десак, ўқувчиларни дўқлайдиган кас экансизку!

– Боринг, сизни менинг олдимга жўнатган фитнес-чига айтинг, адабиёт ЗАГС бюроси эмас экан, деб айтинг. Қилдан қийиқ ахтарадиган ифлос энди сизни ўртага солибдида...

Аёл важоҳат билан туриб, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Юзига ургандай бўлди. Қизиби турган Аҳмаджоннинг оғзидан хотин зоти учун ҳақорат бўладиган сўз чиқиб кетди...

– Нима дединг...

– Эшитганинг!

Аёл муҳаррирнинг хонасига кирди... Шундан кейин унинг масаласи йиғилишда кўрилди.

– Қаттиқ ҳайфсан... охириги огоҳлантириш, – деди муҳаррир кўзларидан учкун чақнатиб.

– Бу ерда қўшмачилар ишласин, – деди Аҳмаджон ишдан бўшаш ҳақидаги аризани унинг олдига қўяркан.

Тамом. Кейин ўзини фермерчиликка урди. Барибир айтгани бўлмади, у ерда ҳам Қўшматовлар бор экан,

ҳосилнинг ортиғини олиб қўяберишдию. Кўзбўямачилик қилай деса виждони йўл қўймади... Банкада миллион пули турсаям, нони яримта эди. Техника деб олишарди, ўғит деб олишарди, маданий тадбирларга ўтказинг деб хит қилардилар... Текшир-текшир жонига тегарди. Боре, ишни ташласам қутиламанми, деган қарорга келди охири. Айниқса хотинининг дий-диёлари ошиб тушди. Оилавий жанжал чиққанда, хотини жазавага тушарди... Редакциядан ҳайдалаётганда туҳмат қилишувди. Хотинбоз... “Ҳали бу одам нега уйга пул олиб келмайди десам, ўйнаш тутган эканда... Оғзингдан қонинг келгур хотинбоз...”

Аҳмаджон осмонга қаради, ерга қаради... Хотинига мени излама, деди. Ижарама-ижара юрган даврлари руҳини тушириб юборди... Ҳаммасига қўл силкиб, тоғ оралиғидаги қишлоғига учди-кетди... Ёшлигида яхши кўриб, хиргойи қилиб юрган қўшиғини айтиб кўзидан ёш чиқиб кетди. “Учиб кетсам қушлар билан, ҳай ёр-ёр, ўргилай, ёшла кўзинг ёшлар билан, ҳай ёр-ёр ўргилай...”

Ёлғизгина ўғлининг йўлларига нигорон бўлиб ўтирган, онаси қўшилиб йиғлади. Орқасидан тавалло қилиб келганларга ўғлимни юбормайман. Ўлсам мени ким кўмади, деди, келинининг бетига қарамади, ҳам... Ўзи бошидаёқ турқи ёқмовди, – деди

– Нима, йиғлаяпсизми Аҳмаджон, – дўстининг сўзларидан ўзига келди. Спектакль таъсир қилибди жўра...

Пойтахтнинг Марказий универмаги ёнидаги чойхонада кўк чойни мириқиб ичган Аҳмаджон туйғуларини бўшаштириб юборганди чамаси, боя саҳнада кўрган томошасидаги бош роль ижрочиси ҳолатлари исканжага олганди.

– Худойбердижон, боя мен қилган қилиқларни Гулханий бобомизнинг аллегорияси деб тушунинг... Мен

ҳаётда бир нарса қаршисида ҳамиша лол қоламан. Соҳибқирон бобомиз, куч адолатда, дея васият қилганми, ахир... Адолатни топамиз деб ўлиб тирилсангу, лекин унинг юзига ҳамиша Увайсий айтгандай парда тортиғлик бўлса... Шу туйғу учун каттиқ курашдим, шаҳардан уйланишга ҳам рози бўлдим. Лекин битта аблаҳ чиқиб ҳаммасини чиппакка чиқарди. Улар билан курашсангиз умрингиз ўтиб кетади. Математикадан дарс берувчи Бектошев домламиз айтувди, нуқта бўшлиққа тушиб қолгандан кейин, уни тополмайсан... Шунинг учун тоза жон куйдиришнинг нима кераги бор, деб қўяман, гоҳида...

– Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, ғурбат излаганга ғурбатдир дунё, – деган бир шоир.

– Тўғри ҳаёт гўзал ва мунавварда, жўра. Некрасов ҳам айтган, унга жўшқин юрак билан кириш керак! Бу юрак туйғулари кўп ғаламусларнинг қолдирган жирканч кирларини ювиб юради. Ҳеч қандай асосга эга бўлмасдан азоб чекишимга сабабчи бўлиб турганлар синдирмоқчи бўлдилар мени! Мана бечора саҳнадаги аёл! Гўзаллиги, тўғри сўзлиги, адолатни ҳимоя қилгани учун фисқу-фасодга учраб оиласи синган... Ҳаётда шундайлар учрамади-да, менга... Кўролмаганларнинг кўзи чиқсин! Шундайлар борда, бировларни бахтсиз қилиб лаззат олади. Жийда гули ўзининг ифори учун шохидан Мосуво бўларкан...

– Ўзи шоирлигингиз қолмабдида. Ҳали ҳам редакцияга ишга боринг... Фермерчиликдан ҳам ишингиз ўнгидан келмади... Қаторасига уч йил ёмғир бўлмади... Шартномани уй-жойингизни сотиб қутилдингиз... Табиат ҳиссиётларга бўйсунмайди. Ёмғир ёғмаса баҳорикорда буғдой бўлмайди. Қатор йиллар қурғоқчилик бўлиб не-не фермерлар синдику!

– Ниятни яхши қилинг, чорвачилик қирқ йилда фермерчилик бир йилда. Келган зарарларнинг насиб

бўлса ўрни қопланиб кетади. Осмонга қараб ўтирган фермер албатта касодга учрайди. Лекин қурғоқчиликка мослаб экин экиш учун ақл фаросат етмади-да, жўра, – деди Аҳмаджон совуб қолган чойини янгилаб. Ана шундай илмий асосда ишлагандагина адолатга эришади, фермер. Лекин гап бунда эмас...

– Эса, гап нимада, – Худойберди жўрасининг ичидан жунбушга келаётганини сезиб.

– Мана нимада, – деди Аҳмаджон манглайларини тириштириб. Шундай пайтларда унинг лаблари чўчайиб худди одамни ўпиб оладигандай бўларди. – Гап пулда эмас, озод меҳнатда дўстим. Биласанми, бир раҳбар ёш болага нима берайин, деса озодлик деган конфет беринг, деган экан. Биз мустақилликни қилдик, энди унинг манфаатларини ҳам қилайликда. Болалигимдан бери бир нарса ҳақида бот-бот ўйлардим. Сенга ёрилмасам кимга ёрилам.

– Шар каби ёрилиб кетмайсанми, ишқилиб...

– Асло! Одамзод онадан ғоят пок бўлиб туғиладику, нега кейин маълум йиллар ўтгандан кейин, орқанга қарагинг келмай қолади. Мактабга бордик, муаллимларимиз бизга кутиб турган ҳаётни ваъда қилиб нималар деб тасвирларди, эсингдами? Тўғри бўлинглар, тўғри бўлинглар, деб қулоғимизга қуярди. Шундай ҳолатларни кўрдим... Ҳа, раҳбарнинг айбини мажлисда бетига сола оладиган мард борми, мард бўлса майдонга чиқсин. Ҳа биттаси бор экан, айтай, жўра, Самарқандлик журналист Ҳожиқурбон Ҳамидов! Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Самарқанд вилоятига биринчи даражали раҳбар бўлиб келган Владимир Николаевич Қодировни фаоллар йиғилишида қаттиқ, лекин очиқ ва принципиал танқид қилган. Адолатли раҳбар йиғилишда сўз олиб танқидни



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5289> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5289> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5289>